ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 28.12.2017. Tib. 59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ АРТУР МИХАЙЛОВИЧ

БОЛАЛАР СТОМАТОЛОГИК САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИГА ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ГИГИЕНИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА ПРОФИЛАКТИК ДАСТУРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

УЎК: 616-053.4.5:616-039.71-084:616.31:614.7

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Хайдаров Артур Михайлович
Болалар стоматологик саломатлик ҳолатига экологик ва ижтимоий-гигиеник омилларнинг таъсири ва профилактик дастурларни ишлаб чиқиш.....…….……..……. 3

Хайдаров Артур Михайлович
Влияние экологических и социально-гигиенических факторов на стоматологическое здоровье детского населения и разработка профилактических программ…..…… 33

Khaydarov Artur Mikhaylovich
The Effect of Environmental and Socio-Hygienic Factors on the Dental Health of Children's Population and Development of Prophylactic Programs…...…….. 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …..…….. 67

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 28.12.2017. Tib. 59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ АРТУР МИХАЙЛОВИЧ

БОЛАЛАР СТОМАТОЛОГИК САЛОМАТЛИК ҲОЛАТИГА ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ГИГИЕНИК ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА ПРОФИЛАКТИК ДАСТУРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Tib239 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tsdi.uz ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ризаев Жасур Алимджанович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Демьяненко Светлана Александровна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Ricardas Kubilius
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Литва)

Хабилов Нугмон Лукманович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Uppsala University (Швеция)**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.27.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнабод тумани Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел/факс:(+99871) 230-20-65, 230-47-99, e-mail: tsdi2016@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси, 103-уй. Тел/факс:(+99871) 230-20-65, 230-47-99.

Диссертация автореферати 2019 йил «_ _» _____куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

У.С.Хасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Л.Э. Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.П. Камилов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий ижтимоий ва тиббий тадқиқотлар инсон соғлом популяциясида (шу жумладан стоматологик) сўнгги ўн йилда салбий тенденция сақланиб келаётганлигини кўрсатмоқда, “...мамлакатимиз ва чет эл олимларининг тадқиқотлари билан аҳоли соғлигининг бузилишида ҳал қилувчи аҳамиятга ҳаёт тарзи (50%), табиий соҳа экологияси (20%), популяция генотипи (20%) ва тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси (10%) эга эканлиги белгиланган”[1]. Болалар саломатлигига, шу жумладан стоматологик ҳолатига ижтимоий, экологик ва табиий-биологик характердаги кўпгина омиллар таъсир кўрсатади. Болаларнинг стоматологик соғлиги атроф-муҳит сифатини акс эттирувчи энг таъсирчан кўрсаткичлардан бири ҳисобланади, чунки болаларнинг ривожланаётган ва фаол ўсувчи жаг-юз соҳаси тўқималари учун зарарли моддаларнинг ҳар қандай миқдори ва дозаси хавфли ҳисобланади.

Жаҳонда болалар стоматологиясида тиббий тадбирларнинг самарасини ошириш учун кенг кўламли илмий тадбирлар ўтказилмоқда. Тиббиёт билан бир бутун бўлган стоматологиянинг дунё даражасида ривожланиши, ихтисослаштирилган ёрдам сифатини доимий ошириш, буларнинг барчаси стоматологик беморлар ҳаёт сифатини ошириш билан боғлиқ. Болалар организмига салбий таъсир қилувчи етакчи хатар омиллари орасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши муҳим аҳамиятга эга ва унинг даражаси аҳолини тиббий ёрдамга, жумладан тиш-жаг тизими касалликлари бўйича мурожаатлар сонини ортиши билан боғлиқ. Болаларда стоматологик касалликларни юқори даражада тарқалганлиги ва интенсивлиги соғлиқни сақлашда тиббий-ижтимоий дастурларни етакчи эканлигини белгилаб беради. Замонавий шароитда стоматологик касалликлар профилактикаси маълум минтақа шароитидаги иқлимли-географик, экологик, ижтимоий омилларни комплекс баҳолаш асосида олиб борилиши муҳим.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳолининг турли қатламлари орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, айниқса болалар орасида соғлом муҳитни яратиш, хамда стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли амалий ишлар олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...республикада аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини кучайтиришга, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ва ўсмирлар касалликларининг олдини олиш ва даволаш”[2] га қаратилган муҳим вазифалар белгиланди.

---

[1] Wel Health Organization Adentia: fast sheet no 18. Optimization website. 2016. htpp: www.who.int/mediacentre.factsheets fs42/eng accested Marth 12.

[2] “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони

Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, экологик ноқулай минтақаларда болалар ўртасида стоматологик касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш тактикасини ишлаб чиқиш, айниқса, кузатиладиган асоратларни камайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 – 2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3071-сонли карори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни ташкил қилиш тўғрисида"ги ПҚ-5274-сон карори ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологияларнинг ривожланишининг VI. "Тиббиёт ва фармакология" устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи[3] .

Болаларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика қилиш соҳасида халқаро даражадаги ютуқларни ўрганиш учун дунёнинг турли мамлакатларидаги энг машҳур олимларнинг етакчи нуфузли журналлардаги мақолалар ўрганилди. Қуйидаги журналлардан тадқиқот мавзуси бўйича тадқиқот натижалари таҳлил қилинди: European Journal Of Pediatric Dentistry, American Journal Of Dentistry, J Dent Child (USA),Caries Res, Int Dent J, Journal Canada Dental Association, Community Dental Health (Swedish region), British Dental Journal, BMC Oral Health (Англия), American Journal of Orthodontics and Dentofacial Orthopedist, International Journal Of Paediatric Dentistry, The Journal Of Evidence-Based Dental Practice.

Жаҳонда иқтисодий ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиши натижасида атроф муҳитнинг антропометрик зарарланиши кузатилаётган экологик номақбул минтақаларда яшовчи болаларда стоматологик касалликларни даволаш, профилактикаси ва ташхисига боғлиқ маълумотлар асосида дунёда қатор илмий натижалар олинган: гуруҳ даражасида замонавий даволаш-профилактика воситалари, стоматологик билимни оширишдан фойдаланиб, эмал "биокимёвий" етилмаган ва илдизлар шаклланмаган даврда доимий тишларни тезкор-қайта тиклаб даволаш ва оғиз бўшлиғининг назорат қилинадиган гигиенасининг турли даражалари дастури ишлаб чиқилган ва тадбиқ қилинган, кариес ривожланишига оғиз бўшлиғи микрофлорасининг таъсири асосланган; болалик ёшида

[3] Диссертация мавзуси бўйича чет эл адабиётлари ушбу ва бошқа манбалар бўйича амалга оширилди. www.who.int; www.pubmed.gov, www.highwire.org, http://www.cochranelibrary.com; http://www.rsl.ru; www.biomedcentral.com.

стоматологик касалликка таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланган (University of Washington, АҚШ; Seoul National Universiteti, Жанубий Корея; University of Freiburg, Германия).

Болаларда стоматологик касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика қилиш натижаларини ошириш учун қатор истиқболли йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, умумий стоматологик касалликларга таъсир қилувчи ижтимоий ва гигиеник омилларнинг асосланиши; оғиз суюқлиги таркибининг таъсири ва унга таъсир қилувчи омилларни исботлаш; болаларда сўлак таркибининг биокимёвий ва микробиологик кўрсаткичларининг комплекс ижобий таъсирини асослаш; тиш эмали минерализациясини, оғиз суюқлиги кислоталилиги ўзгаришини камайтириш, сўлак функциясига таъсир қилувчи омилларни камайтиришга йўналтирилган даволаш-профилактика чораларини мукаммаллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда келтирилган маълумотлар, атроф-муҳитнинг пестицидлар, минерал ўғитлар, фторли бирикмалар ва бошқа саноат чиқиндилари билан комплекс ифлосланиш шароити бу минтақаларда яшовчи, айниқса болалар соғлиги учун хавф уйғотишига гувоҳлик беради, чунки юқорида кўрсатилган атроф-муҳитни ифлослантирувчилар маълум биологик фаолликка эга ва уларнинг болалар организмига истеъмол маҳсулотлари, ичимлик суви ва атмосфера ҳавоси орқали кириши учун шароит мавжуд (Д.В.Кузьмин, М.В.Чащин, 2007). Сўнгги 20 йилда чоп қилинган адабиёт маълумотларнинг таҳлили болалар аҳолиси соғлигига атроф-муҳитнинг салбий омиллари таъсир қилиши бўйича етарлича мақолалар мавжудлигини кўрсатди (Ditmyer M.M., Dounis G., Howard K.M. et al., 2011; Belludi S.A., Deshpande R.N., Belludi A., 2014).

МДҲнинг турли географик-иқлим ҳудудларида ўтказилган қатор тадқиқотлар пестицидлардан интенсив қўлланиладиган жойларда яшовчи болалар пестицидлар қўлланилиши чекланган ҳудудлар билан таққослаганда паст иммунобиологик реактивлик ва юқори умумий касалланишга эга. Пестицидлар кўп қўлланиладиган ҳудудлардаги болалар жисмоний ва ақлий ривожланишда кўпроқ ортда қолади, бу болаларни атроф-муҳитнинг салбий омилларининг таъсирига юқори таъсирчанлигини яна бир бор тасдиқлайди (Русакова Е.Ю., 2013).

Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган муаммога тегишли мавжуд адабиёт манбаларининг таҳлили атроф-муҳит пестицидлар, фтор бирикмалари ва турли саноат чиқиндилари билан интенсив ифлосланган ҳудудларда болалар аҳолисининг касаллиги турғун ўсиши, уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишда ортда қолиши, организм иммунобиологик ва аллергик реактивлигининг пасайиши ва экологик тоза ҳудудлар билан таққослаганда ривожланиш нуқсонларининг ортиши кузатилган. Шунинг асосида дифференциацияланган, мақсадга йўналтирилган даволаш-профикактика комплекс дастурини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири эканлигини кўрсатди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01040025 рақам остида "Болаларда оғиз бўшлиғи ва жағ-юз соҳаси касалликларини даволаш, профилактика қилишнинг янги маҳсулдор усулларини ишлаб чиқиш, мукаммаллаштириш ва тадбиқ қилиш" мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда болалар ўртасида стоматологик саломатликни шакллантиришда экологик ва ижтимоий-гигиеник омилларнинг ахамиятини аниқлаш ҳамда стоматологик ёрдам кўрсатиш сифатини бошқариш ва комплекс дастур ишлаб чиқиш орқали стоматологик касалликлар профилактикаси самарадорлигини оширишни асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республиканинг алоҳида минтақаларида уларнинг ишлаб чиқариш (пахта етиштириш, чорвачилик, боғдорчилик ва саноат) фаолиятини ҳисобга олган ҳолда атроф-муҳитнинг экологик-гигиеник кўрсаткичлари бўйича болалар аҳолисининг стоматологик соғлигига таъсир қилувчи салбий экологик ва ижтимоий-гигиеник омилларни ўрганиш;

турли экологик ҳолатдаги минтақаларда болаларда стоматологик касалликларининг тарқалганлиги ва интенсивлигини ўрганиш;

ўрганиб чиқиладиган минтақаларда экомуҳит ифлосланиш шароитида яшовчи болаларда клиник-лаборатор ва биокимёвий тадқиқот усулларини ўтказиш;

ўрганилаётган минтақаларда экомуҳит ифлосланиш шароитида яшовчи болаларда микробиологик ва иммунологик тадқиқот усулларини ўтказиш;

экологик салбий минтақаларда яшовчи турли ёш гуруҳидаги болаларда профилактик тадбирлар комплексини баҳолаш;

экологик ва ижтимоий-гигиеник жиҳатдан ноқулай минтақаларда стоматологик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш учун комплекс профилактик дастур ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг Чирчиқ, Ғазалкент шаҳарлари ва Сурхондарё вилоятининг Узун, Бойсун ва Сариосиё туманларида яшовчи 6 дан 15 ёшгача бўлган 770 болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб доимий тишлар, тиш илдизлари ва тиш эмали, гигиена воситалари ва стоматологик, биокимёвий ва микробиологик кўрсаткичларни аниқлаш учун оғиз суюқлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун илмий ишда қуйидаги усуллар қўлланилган: клиник, ижтимоий-гигиеник, микробиологик, клиник-лаборатор, клиник-функционал.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

атроф муҳит антропометрик зарарланган худудларда соғлом болаларда носпецифик резистентликнинг пасайиши, адаптацион зўриқиш ва преморбид фон ҳолатининг ривожланишини юзага келтирувчи кўп омилли негатив таъсирот аниқланган;

экологик зўриқиш худудларида яшовчи болаларда ривожланадиган метаболик ўзгаришларнинг тавсифий хусусияти бўлиб, оғиз бўшлиғи ҳимоя механизмларини кўп даражали комплексининг сустлашиши эканлиги исботланган;

организмнинг ва оғиз бўшлиғининг иммун ҳолатини ўрганиш асосида экологик номақбул шароитли туманларда болаларнинг sIgA, лизоцим, ишқорли фосфатаза каби саломатлик маркерлари ишлаб чиқилган;

яшаш шароитларида мавжуд омилларнинг комплекс таъсирига бола организми жавоб реакциясининг тиббий-биологик мезонлари: антиоксидант ҳимоянинг пасайиши, эндотоксемиянинг ривожланиши, ўрта молекуляр массали пептидларни ортиши, мембраналитик ферментлар лабилизацияси асосланган;

атроф-муҳитнинг кимёвий захарловчиларини тиш қаттиқ тўқимаси резистентлиги, эмалнинг реминерализация қобилияти, гигиеник индекс каби кўрсаткичларга таъсирини исботланган;

экотизимнинг ўзгариш тенденцияларига боғлиқ равишда болалар аҳолиси орасида стоматологик касалликларни эрта (клиник олди) юзага келишини прогнозлашлаш ва уларни олдини олиш тамойиллари асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экологик нобарқарор бўлган минтақалардаги 6-15 ёшдаги болаларда стоматологик статус: тарқалганлик, жадаллик, тишлар кариеси жадаллигининг ортгани, доимий тишларда илдизларни шаклланиши даврида оғиз бўшлиғи гигиеник индекс (ГИ) холати, тиш эмалини кариесга чидамлилиги ва кариесга мойиллик даражаларини аниқланган;

болаларда тиш илдизларини шаклланиш даврида доимий тишлар кариесини профилактикаси, даволаш ва унинг асоратларнини олдини олишга дифференциал ёндашувли, стоматологик касалликларнинг шаклланиши ва авж олишидаги хавф омилларини бошқарилишига асосланган, кариес терапиясига қаратилган индивидуал дастурлар ишлаб чиқилган;

саноат ишлаб чиқаришига эга ўлка марказлари ва салбий антропоген ифлосланиш бўлган қишлоқ туманларида болаларнинг стоматологик касалланиши ўзига хосликларининг таққосий тавсифи берилган;

тадқиқот натижасида олинган маълумотлар атроф-муҳитнинг болалар соғлигига ксенобиотик таъсирини тушуниш имконини берилган;

техноген таъсирларга учрайдиган туманларда доимий яшайдиган турли ёш гуруҳидаги болаларда стоматологик ҳолатнинг тизимли ёмонлашуви исботланган;

комплекс клиник-эпидемиологик тадқиқот салбий экологик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда профилактика ва болалар аҳолисининг диспансеризацияси дастурини ишлаб чиқиш учун асос бўлган;

экологик жиҳатдан ноқулай бўлган минтақаларда болалар стоматологик касалликларини баҳолаш ва профилактикаси ҳамда даволашга инновацион ёндашув зарурияти белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонини етарли эканлиги, клиник, стоматологик, микробиологик, иммунологик, биокимёвий ва статистик тахлил усулларидан фойдаланиб олинганлиги, олинган натижаларнинг хорижда олиб борилган нуфузли тадқиқот натижалари билан ҳамоҳанглиги хамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистоннинг экологик жиҳатдан ноқулай туманларида болаларнинг стоматологик саломатлигини комплекс ўрганиш натижалари бўйича стоматологик касалланиш ҳақида ишончли ва солиштирма маълумотлар олинганлиги, унинг ўзгариш тенденциялари намоён қилинганлигидан иборат. Ривожланган саноат ишлаб чиқаришига эга минтақаларда ва республиканинг пахта етиштириш туманларида стоматологик касалланишнинг ўзига хосликлари, шунингдек экологик, ижтимоий-гигиеник омилларнинг болаларнинг стоматологик саломатлик кўрсаткичларига таъсири белгиланган ҳамда профилактик ва даволаш ёрдамига эҳтиёжи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, антропоген ифлосланган ҳудудларда яшовчи болаларнинг аъзолар ва оғиз тўқимаси клиник ҳолатининг рўйхатга олинган комплекс ўзгаришлари ўхшаш иқлим шароитига эга ҳудудларнинг экологик юкланиш маркери сифатида ишлатилиши, турли ёш гуруҳларидаги болаларда стоматологик текширув ва профилактиканинг фойдаланилган схемаси эса модел сифатида қўлланилиши мумкин. Амалий соғлиқни сақлаш учун саломатлик ҳолатида четланишларни эрта (нозологик) аниқлаш бўйича болалар оғиз бўшлиғини скрининг-текшириш, бирламчи текширув ва шифокор назоратига муҳтож шахсларни танлаш, шунингдек хавф ва диспансер ҳисоби гуруҳларини шакллантириш усули таклиф қилинган. Комплексли илмий асосланган, экологик-географик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда “Болаларда стоматологик касалликларнинг профилактикаси дастури” ишлаб чиқилган ва амалий соғлиқни сақлашга тадбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 6-15 ёшдаги болаларда тиш кариесининг профилактикаси ва даволаниши бўйича олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлашга тадбиқ қилинган:

“Эрта ёшдаги болаларда тиш кариеси” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 майдаги 8н-р/131-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тиш кариеси билан шикастланган эрта ёшдаги болаларда касалликнинг клиник кечиши, ташхиси ва даволаш хусусиятларини танлаш имконини яратган;

“Болаларда тиш кариеси ҳосил бўлиш хавфининг омиллари” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 8н-р/156-сонли маълумотномаси). Бу

тавсиянома тиш кариесига ташхис қўйиш, диагностика ва даволаш учун аниқ ҳаракатлар режасини тавсия этади;

“Болаларда тиш кариеси ҳосил бўлишига экологик ва гигиеник омилларнинг таъсири” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2018 йил 11 июлдаги 8н-р/183-сонли маълумотномаси). Бу тавсиянома болаларда тиш кариеси касаллиги интенсивлигини камайтириш учун аниқ ҳаракатлар режасини тавсия этади;

ишлаб чиқилган услублар Чирчиқ шаҳар болалар стоматологияси поликлиникаси, Тошкент шаҳар 3-сон шаҳар болалар стоматология поликлиникаси, Самарқанд вилоят болалар стоматологик поликлиникаси, Қашқадарё вилоят болалар стоматологик поликлиникаси, Сурхондарё вилояти Сариосиё туман тиббиёт бирлашмаси 68-қишлоқ оилавий поликлиникасида (2018 йил 16 июлдаги Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 8н-д/162-сонли маълумотномаси) амалиётга тадбиқ қилинган. Ўтказилган клиник тадқиқотларнинг асосий натижаларини тадбиқ қилиш антропоген ифлосланиш бўлган минтақаларда болаларда тиш кариесининг профилактикаси дастурини ишлаб чиқилишига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 халқаро ва 6 республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 17 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та илмий мақола, улардан 10 таси - республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, еттита боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 231 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш”** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсифнома берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ва тадқиқотнинг амалий натижалари ажратилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Атроф-мухит ва уни болалар саломатлигига таъсири”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабиёт манбаларнинг таҳлили берилган. Болалар стоматологияси соҳасида

мамлакатимиз ва чет эл олимларининг энг замонавий илмий ютуқлари таҳлил қилинган. Болаларда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактикасининг янги усуллари бўйича адабиёт маълумотлари ёритилган, давлат ва маҳаллий даражада ҳал қилишни талаб қиладиган муаммолар келтирилган.

Диссертациянинг "**Экологик ноқулай шароитларда яшовчи болаларда стоматологик касалликларнинг тавсифи ва материал ва усуллар**" деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материал ва усуллари, хронологик доиралар, улар асосида объектларда бажарилган ишлар келтирилган.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ ва Ғазалкент шаҳарлари ва Сурхондарё вилоятининг Узун, Бойсун ва Сариосиё туманларида яшайдиган, 6 дан 15 ёшгача бўлган 770 бола тадқиқот объекти сифатида хизмат қилди (1-жадвал).

1- жадвал

Биринчи тартиб танловида тадқиқот иштирокчиларининг тақсимланиши (6, 12, 15 ёш)

Ўрганилган туманлар	**Гуруҳ тавсифи**	**Тадқиқот иштирокчилари-нинг сони**
Чирчиқ (таққослаш гуруҳи)	техноген, саноат ифлосланиши бўлган ҳудудда яшайдиган болалар	182
Ғазалкент (назорат гуруҳи)	антропоген ифлосланиш бўлмаган ҳудудда яшовчи болалар	164
Сариасиё тумани (таққослаш гуруҳи)	пестицид, минерал ўғитлар ва саноат чиқиндилари билан ифлосланган ҳудудда яшовчи болалар	159
Узун тумани (таққослаш гуруҳи)	пестицид, минерал ўғитлар ва саноат чиқиндилари билан ифлосланган ҳудудда яшовчи болалар	120
Бойсун тумани (назорат гуруҳи)	антропоген ифлосланиш бўлмаган ҳудудда яшовчи болалар	145

Текширилган болалар контингенти қўйидаги гуруҳларга ажратилди:

- таққослаш гуруҳи - техноген, саноат ифлосланиши мавжуд ҳудудда (Чирчиқ шаҳри) яшовчи болалар (n=182);

- назорат гуруҳи - антропоген ифлосланиш бўлмаган ҳудудда (Ғазалкент шаҳри) яшовчи болалар (n=164);

- таққослаш гуруҳи - пестицид, минерал ўғитлар ва саноат чиқиндилари билан ифлосланган ҳудудда (Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари) яшовчи болалар (n=279);

- назорат гуруҳи - антропоген ифлосланиш бўлмаган ҳудудда (Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани) яшовчи болалар (n=145).

Эпидемиологик тадқиқот рандомизацияланган назорат қилинувчи ретроспектив тадқиқот сифатида ўтказилди. Профилактика воситалари ва усуллари самарадорлигини баҳолашда тадқиқотнинг оддий усули устун кўрилди.

Тадқиқотда қуйидагилардан фойдаланилди: клиник, микробиологик, клиник-лаборатор, ижтимоий-гигиеник усуллар. Тадқиқотнинг асосий клиник-лаборатор усулларидан ташқари, текшириш учун танланган барча 770 болада: кариеснинг тарқалганлиги, интенсивлиги, интенсивлигининг ўсиши, ГИ ва РМА индексларининг аниқланиши ўрганилди. Кариесга тишларнинг қаттиқ тўқималари зарарланиш чуқурлиги ҳисобга олиниб, кариоз бўшлиқ борлиги намоён бўлган клиник аломатлари асосида ташхис қўйилди. Болаларнинг стоматологик текширувида кариес билан зарарланишнинг қуйидаги кўрсаткичлари ажратилди: интенсивлик ва интенсивликнинг ўсиши - БЖССТ номенклатурасига кўра. Эмал реминерализациясининг клиник аниқланиши - КОСРЭ -тестни ҳаммуаллиф Т.Л.Рединова усули бўйича ўтказилди.

Биокимёвий тадқиқотлар қоннинг клиник таҳлили, сийдикнинг умумий таҳлили, “HUMAN” фирмасининг реагентларидан фойдаланиб қоннинг биокимёвий тадқиқотларини (билирубин, холестерин, АЛТ, АСТ, умумий оқсил, ишқорий фосфатаза, альбумин миқорини аниқлаш) ўз ичига олди.

Қўшимча тарзда азот оксиди даражасининг фаоллигини, ишлаб чиқарувчи фирма баённомаси бўйича “HUMAN” фирмасининг мос келувчи реагентларидан фойдаланиб, қондаги ИЛ-1, ИЛ-6, ИЛ-10, ФНО-α миқдорини аниқлаш ўтказилди.

Беморларда липопероксидация (ЛПО) интенсивлигининг тавсифи учун липид экстрактларнинг спектрофотометрия усули билан бирламчи, иккиламчи ва якуний маҳсулотлар [И.А. Волчегорский и др., 1989] ва тиобарбитурат кислотаси билан таъсирлашадиган моддалар (“HUMAN” реагентлари) миқдори аниқланди. Антиоксидант ҳимоя ҳолатини СОД, каталаза фаоллигини [М.А. Королюк ва бошқалар., 1988] ва қон плазмасининг умумий антиоксидант фаоллигини аниқлаш йўли билан баҳоланди.

Статистик ишлов бериш M±m ни ҳисоблаш ва танлов медиани билан амалга оширилди. Фарқлар ишончлилигини натижалари, одатда мос келган Стюдентнинг t-мезони ёрдамида баҳоланди. $p<0,05$ да фарқ статистик ишончли ҳисобланди.

Материалнинг статистик қайта ишланиши, график ва жадвалларнинг тузилиши персонал компьютерда Statsoft STATISTICA 6.0 статистик маълумотларни қайта ишлаш дастурий пакетларидан фойдаланиб амалга оширилди. Ҳисоблар MC Exell электрон жадваллар таҳрирчисида бажарилди.

Диссертациянинг “**Текширилаётган туманларда атроф-муҳит ҳолатининг экологик-гигиеник тавсифи ва аҳоли саломатлигига таъсир**

кўрсатувчи омилларнинг таҳлили” номли учинчи бобида танланган минтақаларнинг экологик-гигиеник тавсифи берилган ва атроф-муҳит салбий омилларининг таҳлили ўтказилган.

Инсон организмига ҳалокатли таъсир қиладиган хавфнинг асосий омиллари орасида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши муҳим ўринга эга. Салбий таъсирнинг нишонларидан бири оғиз бўшлиғининг аъзолари ва тўқималари ҳисобланади.

Саноат чиқиндиларининг аҳоли соғлиғига, шу жумладан оғиз бўшлиғига таъсир қилиш муаммоси ўта долзарб ҳисобланади, чунки ифлосланган яшаш соҳасининг салбий таъсири касалликларнинг кўп учраши, ҳаёт шароитининг ёмонлашуви, қишлоқ хўжалиги сектори маҳсулдорлиги ва табиий ресурслар потенциалининг пасайишида намоён бўлади.

Саноат маҳсулотларининг хажми бўйича Чирчиқ шаҳри республикада тўртинчи ўринни эгаллайди. Чирчиқ шаҳри ҳудудида ҳавоси ифлосланган (чанг, олтингугурт гази, азор оксиди ва аммиак) “Махам-Чирчиқ” кимёвий заводи, қийин эрийдиган ва иссиқликка бардошли металлар Ўзбек комбинати (УзКТЖМ), трансформатор ва капролактан заводлари жойлашганлиги ҳисобига саноат корхоналарининг чиқиндилари – чанг, олтингугурт гази, азот икки оксиди ва аммиак билан атмосфера хавоси ифлосланган. Чирчиқ-Бозсув каскади, шаҳар яқинида жойлашган ГРЭС электростанцияси билан бирга бирлашган энергетик тизимга киради.

Чирчиқдан юқорида Ғазалкент - Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманинг маркази жойлашган. Ғарбий Тян-Шан тоғ тизмаларида, Чирчиқ дарёсининг чап кирғоғида жойлашган. Шаҳарда: мева-сабзавот консерваси, сут, вино заводлари, гранит-мармар комбинати мавжуд. Туман ҳудудида олтин, кўмир, мис, мармар, гранит ва сланец конлари мавжуд. Бу конларнинг ишланиши асосан очиқ усулда амалга оширилмоқда. Мармар ва пахтани қайта ишлаш бўйича корхоналар ишламоқда. Ғишт, бетон плиталар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар, шунингдек шиша ишлаб чиқариш бўйича «G'azalkent oyna» корхонаси, текстиль маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «Ozborn Textile», алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича “Конвин”, консерва маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича “Агромир Газалкент”, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича «Bo'stonliqsut» корхоналари мавжуд.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган ва мамлакат ҳудудининг 45% ини эгаллайди, шунга қарамасдан, бу ерда Ўзбекистон аҳолисининг 7,5% и истиқомат қилади.

Вилоят мамлакатда ишлаб чиқариладиган пахта хомашёсининг 10% ини, доннинг 8% ини беради. Ҳудуд Тожикистон ва Туркманистон билан чегарадош, жанубда Афғонистон билан чегара Амударё бўйича ўтади, мамлакатнинг жанубий дарвозаси ҳисобланади. Ҳудуд Ўзбекистоннинг субтропик ўлкаси ҳисобланади. Аммо ёзда бир неча кун экинларга сезиларли зарар етказадиган “афғон” қуруқ иссиқ шамоли эсади. Нефт, газ, рангли металлар, қурилиш материаллари, кўмир, туз ва бошқа фойдали қазилмаларнинг борлиги саноатнинг қатор соҳалари ривожланишига олиб

келади. Саноатнинг ривожланиш жараёнида табиий ресурслардан тўғри ва онгли фойдаланиш мақсадида қатор лойиҳалар тадбиқ қилинмоқда. Масалан, Сариосиё тумани Хандиза йирик конида полиметалл рудалар, айнан рух, қўрғошин, мис, кумуш ва ҳоказоларни қайта ишлаш лойихаси амалга оширилмоқда. Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи бу хомашёдан қўшимча маҳсулотларни ажратиш мақсадида қурилган.

Заводда йилига 80 минг тонна нефт қайта ишланади, бензин ва дизел ёқилғиси олинади. Бу кўрсаткич йилига 250 минг тоннага ҳам етиши мумкин.

2008-йилда ўрганилаётган туманларнинг атмосфера ҳавосида фторли водороднинг ўртача ойлик миқдори ҳақида маълумотларнинг таҳлили Сариосиё туманида (Тожикистон алюминий заводидан 10 км масофада) бутун йил давомида аниқланган. Бунда қиш ойларида (декабр, январ, феврал) фторли водороднинг ўртача ойлик миқдори йўл қўйиладиган энг паст концентрациядан паст бўлган (ўртача ойлик ПДК = 0,004 мг/м3).

Мартда газ концентрацияси 1,75 ПДК га, апрелда - 2,5 ПДК, майда 3,1 ПДК, июн ва июлда - максимумга етган ҳолда 3,8-4,0 ПДК га мос даражагача ўсади. Август ва сентябрда атмосфера ҳавосида фторли водород миқдори 3,0 ПДК гача, ноябрда эса 1,25 ПДК гача пасаяди.

Узун туманида атмосфера ҳавосида фтор водороди миқдорининг ойлик таҳлили (Тожикистон алюминий заводи (ТАЗ) дан 14-15 км масофада) Сариосиё туманидаги тенденцияни намоён қилди, лекин камроқ кўрсаткичларда. Шундай қилиб, январда фтор водороднинг ўртача ойлик (СМ) концентрацияси 0,0025 мг/м, февралда 0,003 мг/м бўлди, яъни йўл қўйиладиган даражадан ошмади (СМ ПДК = 0,004 мг/м), унда, мартдан бошлаб СМ атмосфера ҳавосида бу газнинг миқдор даражаси ўсишни бошлайди ва ПДК дан ошади. Мартда у 0,005 мг/м, апрелда 0,085мг/м, майда 0,009 мг/м ни ташкил этди, бу 1,25 ПДК дан 2,2 ПДК гача мос келади.

Узун туманида атмосфера ҳавосида фтор водороднинг энг юқори ўртача ойлик концентрацияси 2,5 ПДК дан 3,00 ПДК гача ўзгарган ҳолда ёз ойларида ва сентябрда кузатилган. Октябрда газ концентрацияси 2,2 ПДК гача пасайди, ноябрда ПДК даражасига етди, декабрда эса ПДК дан паст бўлди.

Шундай қилиб, энг юқори концентрация иссиқ, қуруқ фаслларда - майдан сентабргача аниқланган, унинг даражаси ПДК дан Сариосиёда - 3-4 марта, Узунда - 2,5-3 марта, Деновда - 1,5-2,2 марта ошган.

Организмга фтор водород ва атроф-муҳитнинг иссиқ ҳарорати бир вақтда таъсир килганида кўпроқ ифодаланган интоксикация ва заҳарли эффектлар ҳосил бўлиш вақтининг қисқаришига олиб келувчи уларнинг биологик эффектларининг қўшилиши содир бўлишини алаҳида айтиб ўтиш лозим [Камильджанов А.Х., Кадыров Д.Э. 2004; Камильджанов А.Х. 2004, Муминова С.С. 2006]. Шундан келиб чиқиб, йилнинг иссиқ фасллари фтор интоксикацияси ривожланиши учун икки марта хавфли ҳисобланади.

Бир вақтнинг ўзида экотоксикантлар носпецифик инградиентларининг асосий таркибий қисмлари азот диоксиди ва олтингугурт диоксиди

ҳисобланади. Зарарланиш минтақаларига яқинлашиш билан ҳавода азот диоксидининг миқдори чегара йўл қўйиладиган, “кескин” даражада (0,8-1,0 ПДК) бўладиган ойлар сони ортади: Денов туманида - 5 ой давомида, Узунда - 7 ой, Сариосиёда - 8 ой.

2 чегара олди туманларда атмосфера ҳавосининг ҳар ойлик тадқиқотида шунингдек олтингугурт диоксиди аниқланди, лекин унинг ўртача ойлик миқдори 0,032 дан 0,11 ПДК гача тебранган ҳолда чегара-йўл қўйиладиган концентрациядан анча паст бўлди (ПДК СМ = 0,05 мг/м3). Олтингугурт диоксидининг энг юқори миқдори йилнинг иссиқ қуруқ даврида кузатилди: майдан сентябргача, Сариосиё ва Узун туманларида 0,08-0,11 ПДК ни ташкил этди, бу Тожик алюмин заводининг чиқиндиларидан атмосфера ҳавосининг ифлосланиши боғлиқлигини кўрсатади, чунки Сариосиё ва Узун туманлари заводга яқин жойлашган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари Сариосиё ва Узун туманларининг атмосфера ҳавосида алюмин заводига хос ва асосий чиқиндилар мавжудлигини кўрсатади: фтор водород, азот ва олтингугурт диоксиди. Бунда фтор водороднинг миқдори ПДК дан 2-4 марта ортиқ.

Юқори кимёвий ва биологик фаол бўлган фтор водород фтор бирикмалар (фторидлар) кўринишида тупроқ ва атроф-муҳитнинг бошқа объектларида, шу қаторда ўсимлик ва истеъмол маҳсулотларида аккумуляцияланишга қодир, бу ушбу туманларда яшайдиган аҳоли соғлиғига таъсир қилмасдан қолмайди.

2015-2017 йиллар давомида ўрганилаётган ва назорат туманларида тупроқ, дарё суви ва канал сувларидан, ичимлик суви, сут, сузма, картошка, сабзи, бош пиёз, нўхат, буғдой, олма, кўкатлардан (кинза, шивит, пиёз, редиска, петрушка) намуналар олинди.

Ичимлик суви, дарё ва каналлардаги сувда (улар тез оққанлиги учун) ҳам ўрганилаётган, ҳам назорат ҳудудларида фтор бирикмалар миқдори сезилмас ва 0,6 - 0,8 ПДК ни ташкил этади.

Лекин тажриба туманлари тупроғида фтор бирикмалар тўпланиши содир бўлади. Шундай қилиб, Сариосиё ва Узун туманларида 2008 йилда тупроқда фторидлар концентрацияси 68,4 мг/м3 ни ташкил этди, бу ПДК дан 27,4 марта ошади. Денов туманида фторидлар концентрацияси бироз кам 43,2 мг/м3, лекин барибир ПДК дан 17,2 марта ошади.

Туманлар аҳолиси кўрикдан ўтказилди, бу ерда стоматолог томонидан тиш қаттиқ тўқимаси ва оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималари касалликларининг юқори тарқалганлик даражаси аниқланган. Айниқса фертил ёшдаги аёлларга эътибор қаратилган. Етакчи патологиялар қон ва қон ҳосил қилиш аъзоларининг касалликлари, иммун механизмининг бузилиши, эндокрин тизим касалликлари, бронх ва ўпка патологиялари, сийдик-таносил тизим, ЛОР-аъзолар, овқат ҳазм қилиш ва асаб тизими бузилиши ҳисобланади.

Диссертациянинг “**Кимёвий моддалар билан ифлосланишининг турли характери ва даражасига эга атроф-муҳитдаги болаларда оғиз бўшлиғи клиник-функционал кўрсаткичининг солиштирма таҳлили**”

деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистон Республикасининг экологик ноқулай минтақаларида яшовчи болаларда оғиз бўшлиғи клиник-функционал кўрсаткичларининг таҳлили ўтказилган.

Республикамизнинг саноат ва қишлоқ хўжалиги учун хос бўлган саноат чиқиндиларининг болалар саломатлигига таъсири Чирчиқ саноат-минтақавий комплекси ва Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманлари мисолларида кўриб чиқилди.

Бунда олинган маълумотлар базаси турли даражада профилактик стоматологик дастурлар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Турли даражадаги антропоген ифлосланиш бўлган минтақаларда истиқомат қилувчи турли ёшдаги болалар ўртасида кариес тарқалганлиги тўғрисидаги маълумотлар 2 жадвалда келтирилган.

2 жадвал

Турли даражадаги антропоген ифлосланиш минтақаларида истиқомат қилувчи 6,12 ва 15 ёшли болаларда тиш кариесининг тарқалганлик даражаси

Ёши	Ғазалкент (назорат гуруҳи)	Чирчиқ ш.	Бойсун туман (назорат гурухи)	Сариосиё тумани	Узун тумани
6 ёш	55,4±4,67	85,4±2,64*	58,9±4,36	95,8±3,11*	85,5±7,11*
12 ёш	51,4±2,67	64,5±5,78*	50,3±1,48	86,2±4,66*	58,2±2,43*
15 ёш	60,2±4,92	79,6±4,55*	58,6±3,40	95,7±3,62*	77,9±5,72*

Изоҳ: * - P<0,05 таққослаш гуруҳи беморларига нисбатан статистик ишонарли фарқлар.

Турли экологик вазиятларда истиқомат қилувчи 6 ёшдаги болаларда кариес жараёни тарқалганлик кўрсаткичларини таққосий тахлилида аниқланишича, энг қуйи кўрсаткичлар таққослаш гурухида кузатилди – 55,4±4,67 ва 58,9+4,36%. 6 ёшли болаларда Сариосиё тумани юқори натижалар қайд қилиниб, бунда кариес тарқалганлиги 95,8±3,11% га тенг бўлди. Стьюдент мезонлари бўйича гуруҳлар солиштирилганда фарқлар ишонарли ўзгарди.

Сариосиё туманида яшовчи 12 ёшли болалар ўртасида эса назорат гуруҳига нисбатан юқори натижалар аниқланди. Ушбу гурухнинг болаларида кариес тарқалганлиги мос ҳолда 50,3±1,48 и 51,4±2,67% ни ташкил қилди. Чирчиқ шаҳрида яшовчи айни ёшдаги болаларда (64,5±5,78%) кариес тарқалганлиги кўпроқ кузатилди. 15 ёшли болалар гуруҳида кариес тарқалганлиги таққосий ўрганилганда (2 жадвал) Сариосиё туманида кариес тарқалганли юқори эканлиги қайд қилинди (95,7±3,62%), таққослаш гурухида эса ушбу кўрсаткич 58,6±3,40% ни ташкил қилди.

12 ёшли болаларда пародонт шикастланишлари таққослаш гурухи натижаларига нисбатан статистик жихатдан фарқлар кузатилмади (39,0±5,8%) (p>0,05).

Пародонт тўқимаси касалликлари тарқалганлиги 15 ёшли болаларда ўрганилганда статистик аҳамиятли фарқлар аниқланмади (Узун туманида 41,3±6,4%, ва Чирчиқ шаҳрида 42,8±6,5%).

Пародонт касалликлари тарқалганлиги ва интенсивлигини баҳолаш учун CPI индекси қўлланилган бўлиб, у популяцион ва индивидуал даражада скрининг-тест хисобланади. Сариосиё туманида истиқомат қилувчи 15 ёшли болаларда пародонт патологиялари 44,0±2,82% ҳолатда аниқланди. Бунда зондлаш пайтида милкларни қонаши 51,32±0,22% болада, тиш тошлари - 7,48±0,19%, соғлом милклар 38,2±0,29% ҳолатда кузатилди. Қонувчан милклар секстантлари - 2,50±0,04; соғлом секстантлар - 3,31±0,05, тиш тошили секстантлар - 0,18±0,01 дан иборат бўлди.

Таққослаш гуруҳида пародонт касалликларини тарқалганлигининг ўртача статистик кўрсаткичлари 36,0±6,0% ни ташкил қилди. CPI индекси структурасида соғлом пародонт (76,74±0,67%), милк қонаши ва тиш тошлари 18,63±0,58% ва 4,63±0,20% кузатилди. Пародонт кўздан кечирилганда битта ўсмирга соғлом секстантлар (4,49±0,04) тўғри келган бўлса, милклар қонаши секстанти - 1,41±0,03, тиш тошили секстантлар - 0,12±0,01 га тенг бўлди.

Тадқиқот иштирокчилари оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарини клиник баҳолаш учун дунёда тан олинган ва юқори информатив бўлган унифицирланган кўрсаткичлар қўлланилди: КПУ, PMA, OHI-S и КЗН.

12 ёшли болаларда КПУ индекси таққосий ўрганилганда барча ҳолатларда хам бир хиллик кузатилиб, унда таққослаш гуруҳидан статистик аҳамиятли тарзда фарқланди, яъни КПУ индекси 1,30±0,24 тенг бўлиб, Чирчиқ шаҳри болаларида– 2,88±0,48; Сариосиё туманида – 2,86±0,43 ва Узун туманида яшовчи болаларда – 2,45±0,23 га тенг бўлди (1-расм).



1-расм. 6, 12 ва 15 ёшли болаларда кариес интенсивлиги

15 ёшли болаларда олинган КПУ кўрсаткичлари натижаларини кўрсатишича, барча аҳоли пунктларида таққослаш гуруҳига нисбатан 1,70±0,35% статистик аҳамиятли фарқлар кузатилди ($p<0,05$).

6, 12 ва 15 ёшли болалар гуруҳларида (Чирчиқ ш., Сариосиё ва Узун туманлари) кариоз жараён солиштирма гуруҳ кўрсаткичларидан фарқ қилди. Бунда кариес интенсивлиги Сариосиё туманида яшовчи 6 ёшли болаларда, Чирчиқ шаҳридаги 12 ва 15 ёшли болаларда энг юқори натижалар қайд қилинди.

Экологик ноқулай туманларда яшовчи болаларда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳолатини баҳолаш эпидемиологик текширувларнинг ажралмас бир қисми хисобланади, чунки улар боланинг соматик саломатлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан биридир.

Чирчиқ шаҳридаги 6 ёшли болаларда 19,0±4,47% ҳолатда оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари қайд қилинган бўлиб, шундан 8,0±3,87% десквамативглоссит, 4,8±3,29% хейлит кузатилди. Бунда ушбу кўрсаткичлар таққослаш гуруҳи натижалари фарқ қилди. 12 ёшли болаларда 21,6±4,65% ОБШҚ касалликлари қайд қилинган бўлса, шундан 5,0±2,39% десквамативглоссит, 4,86±3,39% - хейлит, 4,1±3,3% - қайталанувчи герпетический стоматит, шиллиқ қаватни травматик шикастланиши 4,66±3,95% ҳолатда аниқланди. Чирчиқ шаҳрида яшовчи 15 ёшли болалар кўрикдан ўтказилганда ОБШҚ касалликлари 14,0±3,7% ҳолат аниқланди. Лабларнинг сурункали ёрилиши, хейлит ва қайталанувчи герпетик стоматит каби касалликлар 2,0±1,4%, десквамативглоссит 8,0±2,8% ҳолатда ташхисланди. Узун туманида истиқомат қилувчи болаларда ОБШҚ патологик ўзгаришлари 16,0±4,0% ҳолатда қайд қилиниб, жумладан десквамативглоссит (10,0±3,18%), қайталанувчи герпетик стоматит (4,0±2,0%) ва травматик шикастланишлар (2,0±1,4%) кузатилди. 12 ёшли болаларда ОБШҚ касалликларининг тарқалганлиги 12,0±3,4% аниқланиб, бунда қайталанувчи герпетик стоматит 2,0±1,4% болада, десквамативглоссит 4,0±2,0% ҳолатда ва хейлит 6,0±2,4% ҳолатда аниқланди.

Таққослаш гуруҳи болаларида (Ғазалкент ш.) ОБШҚ тарқалганлиги 14,0±3,7% ни ташкил қилди. Барча ОБШҚ шикастланишлари бир хилдаги фоизларда - 4,0±1,4% учради, ОБШҚ травматик шикастланишлари бундан истисно тарзида (2,0±1,4%).

Шундай қилиб, тиш қаттиқ тўқимаси кариоз шикастланишлари структураси ва тарқалганлигини, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ҳолатини баҳолашда аниқландики, антропоген ифлосланиш минтақаларида яшовчи текширилган болаларда ушбу таъсиротлар бўлмаган худаддаги болаларга нисбатан ОБШҚ ҳолати ёмонлиги кузатилди. Бунда ОБШҚ шикастланишларини юқори даражада тарқалганлиги Сариосиё туманида истиқомат қилувчи болаларни текшириш жараёнида аниқланди. Ноқулай антропоген таъсиротларга дучор бўлган болаларда тиш қаттиқ тўқимаси кариоз шикастланишлари нисбатан қулай экологик минтақада яшовчи болаларга нисбатан кўпроқ кузатилади, бунда тиш қаттиқ тўқимаси кариоз шикастланишлари Сариосиё тумани ва Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи болаларда кўпроқ қайд этилди.

Шундай қилиб, олинган натижалар бўйича шуни хулоса қилиш мумкинки, атроф-муҳитнинг минтақавий ноқулай омилларини эътиборга олган ҳолда болалар оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини скринг текширувлари, биринчидан, соғлом болалар, кам ва юқори хавф гуруҳидаги болалар гуруҳларини ажратишга имкон беради. Юқоридагиларга асосланган ҳолда шифокор-стоматолог томонидан жойларда болаларни текшириш ва профилактик ёрдам кўрсатиш кетма-кетлигини аниқлаши мумкин.

Диссертациянинг "**Тошкент вилоятида яшовчи болалар қонининг биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига антропоген омиллар таъсирининг солиштирма таҳлили**" номли бешинчи боби Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи текширилувчиларнинг биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига ифлослантирувчи омиллар таъсирининг солиштирма таҳлилига бағишланган.

Ғазалкент шаҳри болаларида диен конъюгатларнинг миқдори 0,64+0,15 шартли бирликни ҳосил қилди, бу вақтда Чирчиқ шаҳри болаларида у 0,78+0,03 шартли бирликка тенг бўлди, бу дастлабки қийматлардан 22% га кўп. Статистик аҳамиятли фарқлар ЛПО бирламчи ва якуний маҳсулотлари даражаларига тегишли, шундай қилиб, гептан фазада диен конюгатлар 0,78±0,03 шартли бирликни, иккала фазада шифф асослар мос равишда 0,11±0,01 ва 0,12±0,05 ни ташкил қилди.

Қон плазмаси липид экстрактлари изопропанол фазада текширилувчиларнинг бу гуруҳида ЛПО баъзи кўрсаткичларининг миқдори таққослаш гуруҳидагидан юқори. Назорат гуруҳида кетодиенлар ва бирга келувчи триенлар даражаси 0,32±0,08 шартли бирликка тенг, бу вақтда, Чирчиқ шаҳри болалари гуруҳида у 0,38±0,07 шартли бирликни ташкил этди. Шифф асосларга нисбатан ўрганилаётган болаларда ўхшаш динамика кузатилди, асосий гуруҳ кўрсаткичлари дастлабки қийматлардан 38% га ортди.

Шундай қилиб, гептан фазага нисбатан тадқиқотлардан олинган натижалар азот оксиди, олтингугурт, қўрғошин, рух, мис ва Чирчиқ шаҳрининг бошқа экологик зарарли омилларининг таъсири остида ўрганилаётган болалар қонида ацилгидроперекис маҳсулотларининг тўпланишини кўрсатади.

Изопропанол фаза кўрсаткичларининг таҳлили ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ошишини кўрсатади. Шундай қилиб, таққослаш гуруҳида диен конюгатларнинг даражаси назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан дастлабки даражадан 7% га ортди. Кетодиенлар ва бирга келувчи триенларнинг даражаси дастлабки қийматлардан 3% ортди. Чирчиқ шаҳри болалари гуруҳида шифф асослар қиймати Ғазалкент шаҳри кўрсаткичларидан 33% га ортди. ТБК-фаол бирикмалар (ТБК-ап) кўринишида плазмада ЛПО иккиламчи маҳсулотларининг йиғинди миқдори Чирчиқ шаҳри болаларининг қонида ушбу кўрсаткичнинг дастлабки даражасидан 13% га ортди.

Шундай қилиб Чирчиқ шаҳри болаларининг қонида шунингдек ЛПО маҳсулотлари кўп, хусусан изопропанол фаза, бу организм ва жаг-тиш

тизимининг функционал ҳолатида ўз аксини топадиган шаҳарнинг экологик ҳолати билан шартланган.

Антиоксидант ҳимоя кўрсаткичлари фаоллигининг ўрганилганда Чирчиқ шаҳри болаларида супероксиддисмутазанинг (СОД) 8% га, каталаза фаоллигининг сезилмас даражада статистик пасайиши фонида қон плазмаси умумий антиоксидант фаоллигининг (УАФ) 19% га ($p<0,05$) ошиши кузатилган.

Чирчиқ шаҳри болаларида азот оксиди маҳсулотининг юқори ишонч даражаси ($p<0,05$) билан ўсиши белгиланган. Ушбу ҳолатда азот оксиди генерациясининг юқори даражаси заҳарли самарани чақиради, ҳужайра, ДНК, оқсил ва бошқа бирикмаларнинг мембрана тузилишининг зарарланишига олиб келган ҳолда кучли оксидловчи - пероксинитрит локал концентрациясининг анча ошишига олиб келади. Шундан келиб чиқиб, Чирчиқ шаҳрида яшовчи болаларнинг қонида азот оксидининг кузатилаётган динамикаси организмда содир бўладиган патологик жараён ифодаланишида, хусусан яллиғланиш ўзгаришларининг интенсивлиги ва кенглигида, метаболик бузилишларда, апоптоз жараёнларининг ҳолати ва жаг-юз тизими микроциркулятор оқимидаги бузилишларда патогенетик аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Цитокинлар иммун жавобни амалга ошириш, шунингдек тизимли яллиғланиш жараёнини шакллантиришда фаол иштирок этади. Шу сабабдан Чирчиқ ва Ғазалкент шаҳарларидаги болаларда яллиғланиш, хусусан ФНО-α, ИЛ-1, ИЛ-6 ва яллиғланишга қарши қатор (ИЛ-10) цитокинлар ўрганилди. Ушбу цитокинлар уларнинг турли патологик ҳолатлар ривожланишида патогенетик аҳамияти туфайли танланди, чунки айнан шу цитокинлар тизимли даражада яллиғланиш жараёнини кучайтиради деб ҳисобланади [В.А.Охлопков ва бошқалар, 2010; Р.Н.Левшин ва бошқалар, 2007]. ИЛ-1 концентрациясини таҳлил қилишда назорат гуруҳи билан таққослаганда Чирчиқ шаҳри болаларида унинг ошиш тенденцияси намоён қилинган. Назорат гуруҳи билан таққослаганда ИЛ-1 (1,3 марта) ишончли ($P<0,05$) ўсиш даражаси белгиланган. Шунингдек тадқиқотларимизда назорат гуруҳи билан таққослаганда Чирчиқ шаҳрининг текширилаётган болаларида ИЛ-6 нинг 2 марта ортиши белгиланган.

Тадқиқотлардан олинган натижаларни таҳлил қилишда назорат билан таққослаганда ФНО-α цитокин даражаси 5,7 марта ишончли ошганлиги белгиланган, бу оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватида кучайган пролиферацияси билан бирга кечувчи ўта ифодаланган яллиғланишдан гувоҳлик қилади.

Чирчиқ шаҳри болаларида ИЛ-10 даражаси назорат гуруҳидагидан статистик аҳамиятли фарқ қилмади 14,22±1,08 пг/мл га қарши 12,44±6,06 пг/мл. Тадқиқот натижалари Чирчиқ шаҳри болаларида ФНО-α, ИЛ-6 нинг статистик аҳамиятли ўсиши ва ИЛ-1, яъни асосан, Th-1 субпопуляция билан ҳосил бўладиган яллиғланиш ҳаракатига эга цитокинлар гуруҳи ортиш тенденцияси борлиги кузатилди.

Шундай қилиб, экологик хавфли ҳудудларда яшовчи болаларда ПОЛ интенсивлиги, гепатобилиар ва иммун тизим бузилишлари бўйича тадқиқотдан олинган маълумотлар касаллик терапиясида қўллаш учун мембранани турғунлаштирувчи таъсирли антиоксидант препаратлардан фойдаланиш заруриятини кўрсатади.

Диссертациянинг "**Сурхондарё вилоятида яшовчи болалар қонининг биокимёвий ва иммунологик кўрсаткичларига антропоген омиллар таъсирининг солиштирма таҳлили**" номли олтинчи боби Сурхондарё вилоятида истиқомат қилувчи болаларда қоннинг биокимёвий кўрсаткичларига техноген омилларнинг таъсирини ўрганишга бағишланган.

Текширилаётган болаларда ЛПО кўрсаткичларининг ўрганилган натижалари Сурхондарёнинг Бойсун тумани болаларида гептан босқичи диен конъюгатлари миқдори 0,72+0,09 шартли бирликни ташкил қилганлигини кўрсатди, бу вақтда Сариосиё тумани болаларида у 0,86+0,11 шартли бирликка тенг бўлди, бу дастлабки кийматлардан 19% га ортди. Гептан фазада шифф асослар ўртача 0,17±0,01 га тенг бўлди, бу дастлабки қийматдан 1,9 марта ошди. Назорат гуруҳида гептан фаза кетодиенлари ва бирга келувчи триенлар даражаси 0,35±0,04 шартли бирликка тенг бўлди, бу вақтда Сариосиё ҳудуди болалар гуруҳида у 0,41±0,03 шартли бирликни ташкил қилди.

Организм антиоксидант тизими ферментларининг динамикаси ўзига хос бўлди, айнан, Сариосиё тумани болаларида супероксиддисмутаза (СОД) фаоллигининг 18% га ортиши кузатилди, бу водород пероксидининг сув молекуласи ва молекуляр кислородга ажралишига олиб келади ва шу билан организм ва ҳужайраларда ЛПО маҳсулотларини камайтиради. Сариосиё тумани болаларининг қон плазмасида умумий антиоксидант фаоллик (УАФ) Бойсун тумани болалари билан таққослаганда 22% ($p<0,05$) ортган. Бунинг фонида каталаза фаоллиги бошқа динамикага эга бўлган, хусусан Бойсун тумани болаларининг кўрсаткичидан 14% кам бўлган, бу водород периоксиди ажралишида иштирок этувчи ферментларнинг кичик фаоллигини кўрсатган. Шундан келиб чиқиб, биз ўтказган тадқиқотлар Сариосиё туманида яшовчи текширилаётган болаларда антиоксидант тизим ферментларининг фаоллиги пасайиши фонида эркин оксидланиш фаоллашуви содир бўлишини кўрсатди.

Азот оксидининг даражаси назорат гуруҳи (Бойсун тумани) билан таққосланганда Сариосиё тумани болаларида статистик сезиларли даражада, 2,3 марта юқори бўлди. Бойсун тумани билан таққослаганда Сариосиё тумани болаларида азот оксиди маҳсулотининг юқори даражадаги ишонч билан ($p<0,05$) ўсиши белгиланди. Ушбу ҳолатда азот оксиди генератсиясининг юқори даражаси заҳарли эффект чақиради, ҳужайра, ДНК, оқсиллар ва бошқа бирикмаларнинг мембранали тузилиши зарарланишига олиб келган ҳолда, кучли оксидловчи - пероксинитрит локал концентрациясининг сезиларли даражада ортишига олиб келади.

ИЛ-1 концентрацияси таҳлил қилинганда Бойсун тумани болалар гуруҳи билан таққослаганда Сариосиё тумани болаларида унинг ўсиш тенденцияси аниқланган. Назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан таққослаганда ИЛ-1 (1,7 марта) даражасининг ишончли ($p<0,05$) ўсиши белгиланган. Текширилаётган болалар қонида ИЛ-6 фаоллигининг таҳлили Бойсун тумани болаларининг кўрсаткичлари билан таққослаганда Сариосиё тумани болаларида ушбу цитокин даражасининг ўртача 2,5 марта ортишини кўрсатди.

Узун туманида яшовчи болаларда нейтрал липид ва дифил липидлар фракцияларида ЛПО маҳсулотларининг тўпланиши ўсиш тенденциясига эга. Шундай қилиб, Бойсун туманидаги болаларда гептан фаза диен конъюгатларининг миқдори 0,72+0,09 шартли бирликни ташкил этди, бу вақтда Узун тумани болаларида у 0,82+0,09 шартли бирликка тенг бўлди, бу дастлабки қийматдан 14% га кўп. Гептан фазада шифф асослар ўртача - 0,15±0,01 га тенг бўлди, бу дастлабки қийматлардан 1,7 марта ортди. Назорат гуруҳида гептан фаза кетодиенлар ва бирга келувчи триенлар даражаси 0,35±0,04 шартли миқдорга тенг бўлди, бу вақтда, Узун тумани болалари гуруҳида у 0,40±0,02 шартли бирликни ташкил этди.

Узун тумани болаларида СОД фаоллигининг 2,7% га ошиши кузатилди. Узун туман болаларининг қон плазмасида УАФ Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани болалари билан таққослаганда 12% га ($p<0,05$) ортди. Бунинг фонида каталаза фаоллиги бошқа динамикага эга бўлди, хусусан Бойсун тумани болаларининг кўрсаткичларида 20% га паст бўлди, бу водород периоксиди ажралишида иштирок этувчи ферментларнинг паст фаоллигини кўрсатади.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, азот оксидининг даражаси назорат гуруҳи (Бойсун тумани) билан таққослаганда Узун туманининг болаларида статистик аҳамиятли, ўртача 2 марта юқори бўлди.

ИЛ-1 концентрациясининг таҳлилида унинг Бойсун тумани болалар гуруҳи билан таққослаганда Узун туман болаларида ортиш тенденцияси аниқланди. Назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан таққослаганда ИЛ-1 даражасининг ишончли ($p<0,05$), 2 марта ортиши белгиланди. Текширилаётган болаларнинг қонида ИЛ-6 фаоллигининг таҳлили Узун тумани болаларида ушбу цитокин даражасининг Сурхондарё вилояти Бойсун тумани болаларининг кўрсаткичлари билан таққослаганда ўртача 3,1 марта ортишини кўрсатди. Тадқиқотдан олинган натижаларнинг таҳлили назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан таққослаганда ФНО-α цитокин даражасининг 7 марта ишончли ошганлигини кўрсатди, бу оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг кучли пролиферацияси билан кузатилувчи яллиғланишнинг ўта ифодаланишидан гувоҳлик беради.

Шундай қилиб, тадқиқот давомида олинган натижалар саноат ишлаб чиқариш омиллари организмнинг кўп жараёнларига зарарли таъсир қилишини кўрсатди, хусусан, экологик хавфли ҳудудларда яшовчи болаларнинг организмида АОТ фаоллигини пасайиш негизида ЛПО

интенсивлигининг ортиши, иммун, оқсил синтезловчи, ажратувчи тизимларда бузилишлар кузатилди, бу антиоксидант, мембрана турғунлаштирувчи таъсирга эга препаратлардан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг ноқулай экологик минтақаларида яшовчи болаларда оғиз бўшлиғи иммуно-микробиологик кўрсаткичларининг тахлили”** деб номланган еттинчи бобида ушбу худудда истиқомат қилувчи болалардаги микробиологик ва иммунологик кўрсаткичлар баён қилинган.

Маълумки, ноқулай экологик омиллар биринчи навбатда болалар саломатлигига, жумладан стоматологик ҳолатига салбий таъсир қилади. Бунда болаларнинг стоматологик саломатлиги атроф-мухит омилларига боғлиқ равишда энг сезгир компонентлардан саналади, чунки ушбу омиллар болалар юз-жағ тизимининг ўсиш ва ривожланиш жараёнларида захарли моддаларнинг хар қандай миқдорлари ҳам потенциал жиатдан хавфли бўлиши мумкин.

Юқорида баён этилган муаммо ва масалаларга асосланган равишда биз болалар оғиз бўшлиғи микрофлорасининг миқдорий ва сифатий жиҳатдан ва маҳаллий иммун тизим кўрсаткичларини ўргандик (3-жадвал).

3 жадвал

Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи болаларда оғиз бўшлиғи микрофлорасини ёшга боғлиқ ҳолда тавсифи lg M±m КОЕ/мл

Микроблар гуруҳи	Меъёр	Ёш гуруҳлари		
		6-7 ёш	8-12 ёш	13-15 ёш
Анаэроблар умумий сони	5,8±0,4	4,60±0,2*	5,60±0,3	6,10±0,4
Лактобактериялар	4,7±0,3	2,10±0,1*	2,60±0,2*	2,10±0,2*
Пептострептококклар	3,85±0,3	3,30±0,2	5,0±0,3	5,30±0,3*
Аэроблар умумий сони	5,60±0,4	5,30±0,4	5,10±0,3	5,10±0,3
St.aureus	0	2,10±0,1	0	0
St.epidermodis	4,40±0,3	3,30±0,1	5,0±0,3	5,30±0,3
Str.salivaris	4,70±0,2	2,10±0,3*	3,0±0,2	4,0±0,2
Str.mutans	2,40±0,2	4,0±0,2*	4,0±0,3*	5,0±0,3*
Str.mitis	2,60±0,2	3,0±0,2	5,0±0,3*	5,0±0,3*
E.coli ЛП	1,40±0,1	1,0±0,1	0	0
E.coli ЛН	0	1,30±0,1	1,30±0,1	1,0±0,1
Proteus	1,40±0,1	1,60±0,1	2,30±0,1*	0
Candida замбруғлари	2,15±0,1	2,60±0,1	3,10±0,2*	1,60±0,1

Изоҳ: * - P<0,05 меъёрий кўрсаткичларга нисбатан ишонарли фарқлар

Барча болалар ёшига мос ҳолда 3 гурухга ажратилди: I гурух – 6-7 ёшли болалар; II гуруҳ – 8-12 ёшли болалар ва III гурухни 13-15 ёшдаги болалар ташкил қилди.

Ўтказилган тадқиқотларни кўрсатишича, Чирчиқ шаҳрида яшовчи 6-7 ёшдаги болаларда микробларнинг факультатив гуруҳи умумий миқдори анаэроб гуруҳга нисбатан кўп учради. Бунда айниқса анаэроблар орасида лактобактериялар кўпроқ ўзгаришларга учраб, ўртача lg 2,10±0,1 КОЕ/мл миқдорни ташкил қилди. Ушбу гуруҳда стафилококкларнинг патоген шаклларини учраши алоҳида эътиборни жалб қилади. Бошқа микроб вакиллари бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилсада, бироқ натижалар статистик жихатдан ишонарли бўлмади. II ва III гуруҳ болаларида оғиз бўшлиғи флораси кўп жиҳатдан меъёр кўрсаткичларига яқин бўлган бўлсада, стрептококклар, айниқса Str.mutans ва mitis миқдорини ишонарли даражада ортишини кузатиш мумкин.

Сариосиё туманида истиқомат қилувчи 6 ёшли болаларда оғиз бўшлиғи микрофлорасининг тавсифида анаэроблар факультатив гуруҳи вакилларини анаэробларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Бунда айниқса анаэроблар орасида лактобактриялар кўпроқ ўзгаришларга учраб, ўртача lg 2,10±0,1 КОЕ/мл миқдорни ташкил қилди. Ушбу минтақада ҳам стафилококкларнинг патоген шаклларини аниқланиши кузатилди. Микроорганизмларнинг бош гуруҳлари бўйича статистик ишонарли ўзгаришлар аниқланмасада, бироз силжишларни кузатиш мумкин. 15 ёшли болалар оғиз бўшлиғи микрофлораси асосан меъёр даражаларида бўлди, бироқ Str.mutans ва Str.mitis каби стрептококк вакилларини ишонарли равишда ортиши кузатилиб, ўртача 5,0±0,1 lgКОЕ/мл га тенг бўлди.

Узун туманида яшовчи болаларда хам айни юқоридагидек манзара қайд қилинди. Ушбу гуруҳ болаларида ёшга боғлиқ ҳолда меъёр даражаларига яқинлашиш кузатилди, масалан, 6 ва 12 ёшли болаларда анаэроблар сони мос ҳолда 4,5+0,1 ва 4,9+0,1 lgКОЕ/мл га тенг бўлса, 15 ёшлиларда эса бу кўрсаткич 5,1+0,3 lgКОЕ/мл га тенг бўлди (5,8+0,4 lgКОЕ/мл назоратда). Str.mutans (5,0±0,1 lgКОЕ/мл) ва Str.mitis (5,10±0,1 lg КОЕ/мл) бундан истисно тарзида меъёр кўрсаткичларидан мос ҳолда 2,1 ва 1,95 марта юқори бўлди. Бойсун туманида истиқомат қилувчи болалар оғиз бўшлиғи микрофлораси тахлили шуни кўрсатдики, микрофлоранинг барча вакиллари бўйича ўзгаришлар кузатилди.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи болалар оғиз бўшлиғи маҳаллий иммунологик кўрсаткичлари – лизоцим титри, фагоцитоз кўрсаткичи ва секретор иммуноглобулин миқдори ўрганилди (2-расм). Натижаларни кўрсатишича, 6-7 ёшли болаларда барча кўрсаткичлар бўйича иммун танқислик ҳолати кузатилди, лизоцим титри 14±0,41мг% (меъёр кўрсаткич 19,18±0,60мг%), фагоцитоз 48,4±1,45%, sIgA - 1,7±0,1г/л натижа кузатилиб, меъёр кўрсаткичларидан сезиларли пастлиги аниқланди. Таъкидлаш жоизки, нисбатан катта ёшли болаларда, яъни 8-12 ва 13-15 ёшлиларда бу

кўрсаткичлар нисбатан яхшиланган бўлсада, sIgA миқдори бўйича иммунтанқислик ҳолати сақланиб қолди.

Лизоцим титри, фагоцитоз кўрсаткичи ва секретор иммуноглобулин А миқдори ўрганишда 6 ёшли болаларда барча кўрсаткичлар бўйича иммун танқислик кузатилди, масалан лизоцим титри 12,0±0,32 мг% (назорат 19,18±0,60 мг%), фагоцитоз кўрсаткичи 46,4±1,33% га тенг бўлиб, назорат кўрсаткичларидан паст натижалар қайд қилинди, секретор иммуноглобулин А (sIgA) эса 1,5±0,1 г/л миқдорга тенг бўлиб, меъёр даражаларидан сезиларли паст бўлди.



2-расм. Текширилган болаларда оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омилларининг ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариши

Шундай қилиб, экологик ноқулай минтақада истиқомат қилувчи текширилган болалар учун турли даражадаги оғиз бўшлиғи дисбактериози хос бўлиб, улар сўлак микрофлорасидаги дисбиотик ўзгаришлар билан намоён бўлиб, болалар организмида кечувчи баъзи патологик ҳолатлар механизмини тушунишга имкон беради, ҳамда ушбу тоифа беморларини комплекс даволашда биопрепаратлар билан коррекциялаш заруриятини кўрсатади.

Диссертациянинг саккизинчи “**Ўзбекистоннинг экологик ноқулай ҳудудларида яшовчи болаларда даволаш-профилактика чораларининг самарадорлигини баҳолаш**” номли бобида стоматологик касалликларнинг комплекс дастурлари самарадорлигини баҳолашга тегишли масалаларга изоҳ берилган.

Антропоген ифлослантирувчилар мавжуд туманларда яшовчи ва асосий стоматологик касалилкларга юқори даражада мойилликка эга турли ёшдаги болалар учун тавсиф қилинган комплекс профилактика дастури

кўрсаткичларини аниқлаш учун қатор оғиз бшлиғининг индивидуал ва профессионал гигиенаси учун замонавий профилактик воситалар қўлланилди (Бифлюорид-12,герметик «Fissurit», реминералловчи гель R.O.C.S. Medical Minerals, Fresco, лактобактерин, ОМЕГА-3).

ЎзР экологик ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болаларга даволаш-профилатика ёрдамини ташкил қилиш мақсадида “Ўзбекистоннинг экологик ноқулай минтақаларида болаларда стоматологик касалликлар профилактикасининг комплекс дастури” ишлаб чиқилди (1-схема).

12 ёшли болаларда КПУ индекси дастлаб даволашдан олдин 2,53±0,3 ни ташкил қилди. 6 ойдан сўнг қуйидаги ўзгаришлар кузатилди: КПУ индекси 2,87±0,4; КПУ индекси бўйича кариес ўсиши 0,34±0,11 га тенг бўлиб, профессионал профилактика гигиена чоралари олиб борилмаган таққослаш гуруҳида эса КПУ 0,87±0,07 га тенг бўлди (3-расм).



3-расм. 12, 15 ёшли болаларда даволаш-профилактика комплексни ўтказиш динамикасида оғиз бўшлиғининг клиник кўрсаткичлари ҳолати

Ўзбекистоннинг ноқулай минтақаларида яшовчи болаларда стоматологик касалликларни комплекс профилактикаси дастури

ҚВП, ССП, оилавий поликлиникалар умумий амалиёт стоматолог шифокорлари

Болалар стоматологик поликлиникалари

Болалар патронажи (профилактика) бригадалари

Оғиз бўшлиғини кўрикдан ўтказиш ва индексли баҳолаш

Профессионал гигиена

6-7 ёш	1. Тумандаги кариес тарқалганлиги ва интенсивлигига боғлиқ ҳолда болалар стоматолог-шифокори томонидан мунтазам кўрик ўтказиш; 2. Малакали гигиена – йилига 2 марта; 3. Доимий молярлар фиссуралари герметизацияси;
8-12 ёш	1. Тумандаги кариес тарқалганлиги ва интенсивлигига боғлиқ ҳолда болалар стоматолог-шифокори томонидан мунтазам кўрик ўтказиш; 2. Малакали гигиена – йилига 2 марта; 3. Доимий молярлар фиссуралари герметизацияси; 4. Кариес интенсивлигига боғлиқ ҳолда Бифлюорид 12 гели билан реминерализацияловчи терапия курслари: кам хавф гурухлари - йилига 2 марта; юқори хавф гурухларида – йилига 3 марта.
13-15 ёш	1. Тумандаги кариес тарқалганлиги ва интенсивлигига боғлиқ ҳолда болалар стоматолог-шифокори томонидан мунтазам кўрик ўтказиш; 2. Малакали гигиена – йилига 2 марта; 3. Доимий молярлар фиссуралари герметизацияси; 4. Кариес интенсивлигига боғлиқ ҳолда Бифлюорид 12 гели билан реминерализацияловчи терапия, йилига 1 марта.

Индивидуал профилактика

	экзоген	*эндоген*
6-7 ёш	Кариес интенсивлигига мос ҳолда R.O.C.S. гель билан реминерализацияловчи терапия	- эубиотик (лактобактерин) к1 дозадан кунига 1 марта, 10 кун, йилига 3 курс; - Омега-3 (ПТЁК) 1 капсуладан кунига 1 марта, 1 йил, курс - 1 йилда 3 марта
	Болалар ва улар ота-оналарини оғиз бўшлиғи индивидуал гигиена кўникмалари ва тишларни назоратли тозалашга ўргатиш	
8-12 ёш	1. Кариес интенсивлигига мос ҳолда R.O.C.S. гель билан реминерализацияловчи терапия; 2. FRESCO 2 билан оғиз бўшлиғини кунига 1 марта чайиш, 10 мл	1. Эубиотик (лактобактерин) к1 дозадан кунига 1 марта, 10 кун, йилига 3 курс; 2. Омега-3 (ПТЁК) 1 капсуладан кунига 1 марта, 1 йил, курс - 1 йилда 3 марта; 3. Овқатланишни коррекцияси (углеводлар миқдорини камайтириш, витамин ва минералларга бой махсулотларни кўпайтириш)
	Болалар ва улар ота-оналарини оғиз бўшлиғи индивидуал гигиенаси кўникмалари ва тишларни назоратли тозалашга ўргатиш	
13-15 ёш	1. Кариес интенсивлигига мос ҳолда R.O.C.S. гель билан реминерализацияловчи терапия; 2. FRESCO 2 билан оғиз бўшлиғини кунига 1 марта чайиш, 10 мл	1. Эубиотик (лактобактерин) 1 дозадан кунига 1 марта, 10 кун, йилига 3 курс; 2. Омега-3 (ПТЁК) 1 капсуладан кунига 1 марта, 1 йил, курс - 1 йилда 3 марта; 3. Овқатланишни коррекцияси (углеводлар миқдорини камайтириш, витамин ва минералларга бой махсулотларни кўпайтириш)
	Болаларни оғиз бўшлиғи индивидуал гигиенаси кўникмалари ва тишларни назоратли тозалашга ўргатиш	

15 ёшли ўсмирлар гуруҳида КПУ индекси 6,61±0,85 га тенг бўлди. Дастлаб OHI-S индекси 2,42±0,05, малакали гигиена ўтказилгандан 1 йилдан сўнг ушбу кўрсаткич 0,74±0,02 натижани қайд этди. Ушбу кўрсаткич балларда ифодаланган тиш тошларини ўз ичига олиб, у даволашгача 0,33±0,03, 0,07±0,01 – 6 ойдан сўнг ва 1 йилдан сўнг 0,01±0,01 натижа кузатилди. Бирламчи текширувларда гигиеник индекс кўрсаткичлари оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини ёмонлигидан далолат берди, профессионал гигиена ўтказилгандан кейин ушбу кўрсаткич сезиларли тарзда яхшиланди.

12-15 ёшли болаларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати Грин-Вермиллион индекси (OHI-S) бўйича баҳоланиб, у 2 кўрсаткич орқали ифодаланди: тиш тошлари индекси ва тиш караши индекси. 12 ёшли болаларда тиш тошларини дастлаб 0,12±0,06; профессионал гигиена ўтказилгандан 3 ойдан сўнг – 0,09±0,04; 6 ойдан кейин – 0,03±0,01 га тенг бўлди. Тиш караши индекси – дастлаб – 2,2±0,1; 3 ойдан сўнг – 0,7±0,01; 6 ойдан кейин – 0,71±0,02; гигиена индекси эса мос равишда 2,25±0,1 – малакали гигиена ўтказишдан аввал, 0,79±0,04 – 3 ой, 6 ойдан сўнг - 0,73±0,3. Бирламчи кўрикда PHP индекси 2,98±0,09; 3 ойдан кейин – 1,39±0,09; 6 ойдан кейин – 1,14±0,06. PMA индекси эса дастлабки натижаси – 22,91±2,7% тенг бўлган бўлса, 3 ва 6 ойдан кейин мос ҳолда 2,28±0,5% ва 0%.

15 ёшли болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси ишонарли равишда яхшиланди, 3 ойдан кейин OHI-S индекси 2,42±0,12 дан 0,85 гача пасайди, бу эса қониқарли гигиена ҳолатига мос келади (гигиена бўйича ўртача балл 0,7–1,6).

Дастлабки кўрикда PHP гигиеник индекси самарадорлиги 3,76±1,12; 3 ойдан кейин – 1,67±0,05, 6 ойдан сўнг эса 1,1±0,06 га тенг бўлди. Тиш караши кариесогенлиги бироз даражада камайиб, дастлабки 2,6±0,05 дан 1,91±0,02 гача ўзгарди. Профилактик чораларлардан олдин PMA индекси 22,58±2,13% бўлса, 6 ойдан сўнг 0,36±0,25% гача камайди.

Ўзбекистоннинг ноқулай экологик минтақаларида яшовчи болалар оғиз бўшлиғини микроблар билан колонизация жараёнларини ўрганиш натижаларини кўрсатишича, ушбу тоифа беморларида турли даражадаги дисбиотик ўзгаришлар аниқланди. Антропоген ифлосланишли минтақаларда яшовчи 6,12 ва 15 ёшли болаларда комплекс даволаш-профилактика чоралари ўтказилгандан сўнг оғиз бўшлиғи микрофлораси ҳолатини яхшиланиши кузатилди. 6-7 ёшли болаларда оғиз бўшлиғи микрофлорасини яхшиланишга мойиллик кузатилиб, бунинг асосий хусусияти лактобактерияларни 2,34 мартага ортиши, Streptococcus mutans ва Streptococcus mitis миқдорини мос ҳолда 2,42±0,21 ва 2,67+0,19 lg/КОЭ/мл га камайишидир. Айнан шундай манзара 12 ва 15 йшли болаларда хам кузатилди.

Шундай қилиб, экологик ноқулай минтақаларда яшовчи болаларда оғиз бўшлиғида турли даражадаги дисбактериоз ҳолати кузатилиб, у сўлак микрофлорасидаги дисбиотик ўзгаришлар билан намоён бўлади, бу эса ушбу

минтақада яшовчи болаларни комплекс даволашда эубиотикларни қўллашни талаб қилади.

Ноқулай экологик минтақаларда яшовчи болаларда даставвал иммунтанқислик ҳолати қайд қилинган эди. Ўтказилган даволаш-профилактика чораларидан сўнг 6 ёшли болаларда лизоцим миқдорини 17,8+0,31мг% гача ортиши (меъёр 19,8+0,6 мг%), фагоцитар кўрсаткич 54,4+2,740% (норма 59,1+1,60%), секретор иммуноглобулин А миқдори А - 1,84+0,18 г/л (меъёр 2,0+0,3 г/л) натижалар қайд қилинди. Барча юқорида баён қилинган ҳолатлар болалар оғиз бўшлиғи маҳаллий иммун тизими ҳолатини ўтказилган даволаш-профилактика чоралар негизида аниқланган ўзгаришларни коррекцияланишини кўрсатади.

Лейкоцитлар фагоцитар фаоллигини ўрганишда касаллик оғирлик даражаси ва ўтказилган даволаш-профилактика самараси ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатди. Текширилган болаларда НФА назорат кўрсаткичларига нисбатан ишонарли ўзгаришлар кузатилмади.

Шундай қилиб, антропоген ифлослантирувчилар мавжуд экологик ноқулай минтақаларда яшовчи турли ёшдаги болалар оғиз бўшлиғида ўтказилган микробиологик ва иммунологик текширувлар асосида хулоса қилиш мумкинки, олиб борилган комплекс даволаш-профилактика чоралари стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олишда самарали усул саналади.

Ўтказилган профилактик чоралар қондаги ЛПО маҳсулотларини камайишига олиб келди. Айни шундай манзара кетодиен ва триенларнинг шифф асосларига нисбатан хам аниқланди. Олиб борилган чоралар натижасида ўрганилган кўрсаткичларни назорат кўрсаткичларига яқинлашиши қайд этилди. Демак, экологик ноқулай шароитларда мавжуд бўлган азот оксиди, олтингугурт икки оксиди, қўрғошин, рух, мис таъсирида ЛПО жараённи кучайишини кўрсатувчи қонда ўрганилган кўрсаткичларнинг ўз вақтида коррекцияланиши ацилгидроксиперекис махсулотларини пасайишига сабаб бўлади.

Болаларда ўтказилган профилактик чоралардан сўнг СОД фаоллиги 4% ошди, қоннинг умумий антиоксидант фаоллиги 7% га ортиши, каталаза фаоллигини сезиларсиз кучайиши негизида кузатилди.

Юқорида таъкидланганидек, азот оксиди миқдори текширилган болаларда назорат кўрсаткичларига нисбатан 1,79 марта юқори эди, бу эса азот оксиди продукциясини кучайишидан далолат беради. Ушбу ҳолатда азот оксиди генерациясини юқори даражаси токсик самара чақиради, кучли оксидант бўлган пероксинитритнинг маҳаллий концентрациясини ошириб, хужайра мембрана тузилмалари, ДНК, оқсил ва бошқа бирикмалар шикастланишига олиб келади. Экологик нохуш минтақаларда истиқомат қилувчи болаларда ўтказилган даволаш-профилактика чораларидан кейин қондаги азот оксиди миқдорини 21% камайиши яллиғланиш жараёнлари интенсивлиги ва кенг кўламлилигини пасайишига олиб келади.

Профилактик чора-тадбирлар негизида болаларда ИЛ-1 ФНО-α, ИЛ-6, яъни яллиғланиш олди цитокиснларининг миқдорларини пасайиши кузатилди. Шундай экан, ўз вақтида олиб борилган профилактик чоралар яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорини пасайиш негизида яллиғланиш олди цитокинларининг фаоллигини ошишига олиб келди, бу эса ярим тўйинган ёғ кислоталар (Омега-3) қўлланилишини асослаб беради. Экологик нохуш минтақада истиқомат қилувчи болаларда ўтказилган профилактик тадбирлар қондаги ЛПО махсулотларини камайтиради, бу эса, бизнинг фикримизга кўра болалар организми ва ва юз-жаг тизими функционал ҳолатига ижобий таъсир этади.

Текширилган гуруҳ болаларида олиб борилган даволаш-профилактика чоралари комплекси қондаги цитокинлар миқдорини пасайтиришга имкон беради, яъни ИЛ-1 35%, ИЛ-6 – 38% ва ФНО – 2,4 мартага камайишига олиб келади, бу эса қондаги яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорини пасайишидан далолат беради.

ХУЛОСА

“Болалар аҳолисининг стоматологик соғлиғига экологик ва ижтимоий-гигиеник омилларнинг таъсири ва профилактика дастурларини ишлаб чиқиш” мавзусида бажарилган докторлик диссертацияни бажаришда олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Болалар саломатлигига таъсир қилувчи ноқулай ва ижтимоий-гигиеник омилларни ўрганиш асосида шу аниқландики, Чирчиқ шаҳар саноат минтақасида болалар организмига салбий таъсир этувчи омиллари бўлиб чанг, олтингугурт гази, азот икки оксиди ва аммиак, Сурхондарё вилоятида – водород фторид, азот икки оксиди ва олтингугур хисобланади. Бунда ушбу бирикмаларнинг миқдори ПДК дан 2-4 марта юқоридир.

2. Олинган натижаларга кўра атроф-муҳитни антропоген ифлослантирувчи мавжуд минтақаларда болаларда стоматологик касалликлар тарқалганлиги ва интенсивлиги юқори даражада учрайди (Чирчиқ шаҳрида: кариес – 79,0%, пародонт касалилклари – 39,7%, нокариоз шикастланишлар - 22,5%, ОБШҚ касалликлари – 14%; Сариосиё туманида: кариес - 89,4%, пародонт касалликлари – 53%, ОБШҚ касалликлари – 19%, нокариоз шикастланишлар - 33%; Узун туманида: кариес – 73,9%, пародонт касалликлари – 37,6%, ОБШҚ касалликлари – 16%, нокариоз касалилклар – 22,6%).

3. Экологик ноқулай минтақада истиқомат қилувчи болаларда КПУ индекси – 2,73, милк қонаши – 48,3%, тиш тошлари – 6,74%, пародонт касалликлари тарқалиши – 41,3% ташкил қилдан. Юқоридагилар билан бир қаторда текширилган болаларда АОС фаоллигини сусайиши (20%) негизида ЛПО интенсивлигини ортиши (13%), гепатобиллиар ва иммун тизимдаги бузилишлар, ФНО-α – 9 мартага, ИЛ-1 ва ИЛ-6 – 2,5 мартага назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ортиши аниқланди.

4. Экологик ноқулай минтақада истиқомат қилувчи болаларда носпецифик химоя омилларини кескин сусайиши (лизоцим 39,9%, НФА 19,7%) микроорганзмларнинг жадал ўсишига (Str.mutans – 2,6, Str.mitis – 1,73 марта) имкон беради ва оғиз бўшлиғида турли даражадаги дисбактериозига сабаб бўлиб, улар сўлак микрофлорасининг дисбиотик ўзгаришлари билан намоён бўлади, бу эса болалар организмида турли патологик жараёнлар келиб чиқиш механизмларини тушунишга ёрдам беради.

5. Экологик ноқулай минтақаларда истиқомат қилувчи 12, 15 ёшли болаларда ўтказилган даволаш-профилактика муолажаларидан таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан кариес интенсивлиги 27,3% пасайди, оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати 29,3% га яхшиланди.

6. Ишлаб чиқилган даволаш-профилактика дастури 6 ойдан сўнг ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатиб, боаларда турғун гигиеник кўникмалар хосил бўлиши хисобига кариес ўсишини 5.2 мартага пасайтирди, беморларнинг гигиеник кўникмаларини ошишига (OHI-S индексини 1,8 мартага ошди), PHP индекси бўйича оғиз бўшлиғи гигиенаси самарадорлигини 2,1 мартага ошишига, милкларнинг сурункали яллиғланиш белгиларини бартараф этилишига, тиш карашлари кариесогенлигини 1,6 мартага камайишига, эмал резистентлигини 1,6 мартага ортишига ва эмал реминерализация тезлигини 1,4 мартага ошишига олиб келди.

7. Стоматологик касалликлар тарқалиши ва интенсивлигини пасайтириш ва профилактик чоралар самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси экологик ноқулай минтақаларида болалар стоматологик касалликларининг профилактикаси” комплекс дастурини тадбиқ қилиш стоматологик касалликларни камайтириш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.12.2017.Tib.59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАЙДАРОВ АРТУР МИХАЙЛОВИЧ

ВЛИЯНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ И СОЦИАЛЬНО-ГИГИЕНИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА СТОМАТОЛОГИЧЕСКОЕ ЗДОРОВЬЕ ДЕТСКОГО НАСЕЛЕНИЯ И РАЗРАБОТКА ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ ПРОГРАММ

14.00.21 – Стоматология

АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2019

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.DSc/Tib239

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском) размещен на веб-странице по адресу www.tsdi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Ризаев Жасур Алимджанович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Демьяненко Светлана Александровна**
доктор медицинских наук, профессор (Россия)

Ricardas Kubilius
доктор медицинских наук, профессор (Литва)

Хабилов Нугмон Лукманович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Uppsala University (Швеция)**

Защита состоится «_____» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (адрес:Ташкент, ул.Махтумкули, 103 Тел/факс:+998-71-230-2065, факс: +998-71-230-4799, e-mail: info@tsdi.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрировано за №_____). Адрес: Ташкент, ул. Махтумкули, 103 Тел/факс:+998-71-230-2065, факс: +998-71-230-4799, e-mail: info@tsdi.uz

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 г.
(протокол рассылки № от «_____» _____ 2019 г.)

У.С.Хасанов
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Л.Э. Хасанова
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.П. Камилов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Современные социальные и медицинские исследования свидетельствуют, что в здоровье человеческой популяции (в том числе, и стоматологическом), в последние десятилетия сохраняются неблагоприятные тенденции, «…исследованиями отечественных и зарубежных ученых установлено, что определяющее значение в нарушении здоровья населения принадлежит образу жизни (50%), экологии природной среды (20%), генотипу популяции (20%) и уровню оказанию медицинской помощи (10%)»[1]. На здоровье детей, в том числе и на стоматологический статус, оказывают влияние многие факторы социального, экологического и природно-биологического характера. Состояние стоматологического здоровья детей является одним из наиболее чувствительных показателей, отражающих качество окружающей среды, так как для развивающихся и активно растущих тканей челюстно-лицевой области ребенка потенциально опасны любые концентрации и дозы вредных веществ.

В мире для повышения эффективности медицинской деятельности в сфере детской стоматологии проводятся обширные научные мероприятия. Развитие стоматологии, которая является неотъемлемой частью медицины, подвергается постоянному реформированию, которая приводит к улучшению качества специализированной медицинской помощи пациентам. Среди ведущих факторов риска для детских организмов важное значение имеет загрязнение атмосферного воздуха, а его уровень связан с увеличением числа стоматологической обращаемости пациентов. Высокая распространенность и интенсивность стоматологических заболеваний у детей являются основными детерминантами медико-социальных программ в здравоохранении. В современных условиях профилактика стоматологических заболеваний должна основываться на комплексной оценке климато-географических, экологических и социальных факторов в конкретном регионе.

Сегодня в нашей стране среди разных слоев населения ведется большая практическая работа по ранней диагностике и лечению соматических заболеваний, особенно по созданию здоровой среды для детей, а также лечению и профилактике стоматологических заболеваний. Основные направления стратегии действий по развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017-2021 «...укрепить материально-технической базы и кадрового потенциала медицинских учреждений, оказывающих медицинскую помощь в стране для дальнейшего укрепления репродуктивного здоровья населения, внедрения современных методов диагностики, профилактика и лечение заболеваний женщин, детей и подростков в республике»[2], определило важные задачи медицины.

---

[1] Wel Health Organization Adentia: fast sheet no 18. Optimization website. 2016. htpp: www.who.int/mediacentre.factsheets fs42/eng accested Marth 12.

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Доказано, что такие заболевания как кариес зубов, заболевания пародонта и аномалии развития и т.д., «программируются» еще до рождения или в первые годы жизни ребенка, и что особенно отличаются агрессивным течением в детском возрасте. Высокая распространенность и интенсивность стоматологических заболеваний у детей выдвигают профилактику как одну из ведущих медико-социальных программ здравоохранения. При выполнении этих задач особую важную роль играет повышение уровня качества ранней диагностики и лечение стоматологических заболеваний у детей в неблагоприятных регионах, что ведет к уменьшение наблюдаемых осложнений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему углублению реформирования системы здравоохранения» и № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Распоряжение Президента Республики Узбекистан “Об организации критического изучения и подготовки предложений по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения” № 5274 от 10 мая 2018 года, Указом Президента Республики Узбекистан «Коренное совершенствование поддержки женщин и укрепление деятельности института семьи» УП-5325 от 2 февраля 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации[3]. Для изучения достижений в области лечения и профилактики стоматологических заболеваний у детей на международном уровне были изучены доступные публикации из ведущих авторитетных журналов наиболее известных ученых разных стран мира. Были проанализированы результаты исследований по данной теме из следующих журналов: European Journal Of Pediatric Dentistry, American Journal Of Dentistry, J Dent Child (USA),Caries Res, Int Dent J, Journal Canada Dental Association, Community Dental Health (Swedish region),British Dental Journal, BMC Oral Health (Англия), American Journal of Orthodontics and Dent facial Orthopedist, International Journal Of Pediatric Dentistry, The Journal Of Evidence-Based Dental Practice.

[3] Обзор иностранной литературы по теме диссертации было осуществлено по данными и другими источниками. www.who.int; www.pubmed.gov, www.highwire.org, http://www.cochranelibrary.com; http://www.rsl.ru; www.biomedcentral.com.

